

## ЖИНСИЙ АЬЗОЛАР ПРОЛАПСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН УСУЛЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*PhD. Шавкатов Х.Ш.*
*2-сон Акушерлик ва гинекология кафедраси  
Самарканд Давлат тиббиёт университети*

### **Аннотация**

Мазкур мақолада жинсий аъзолар пролапсига чалинган беморларда қўлланиладиган анъанавий ва такомиллаштирилган хирургик усулларнинг самарадорлиги ўрганилган. Тадқиқот доирасида асосий гуруҳда (такомиллаштирилган усуллар қўлланилган) ва таққослаш гуруҳида (анъанавий усуллар қўлланилган) жисмоний тикланиш, асоратларнинг ривожланиш хавфи, психо-эмоционал ҳолат ва қин чултоғи пролапси рецидиви каби кўрсаткичлар баҳоланди. Асосий гуруҳда тўқималар тикланишининг ижобий ҳолатлари 88,1% ни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 41,9% ни ташкил қилди. Шунингдек, асосий гуруҳда культиф ва инфильтрат ҳоллари кузатилмаган, рецидивлар қайд этилмаган. Таққослаш гуруҳида эса 29% ҳолларда қин чултоғи пролапси рецидиви кузатилган.

Тадқиқот натижалари жинсий аъзолар пролапсига чалинган беморларни даволаш жараёнида такомиллаштирилган хирургик усулларни қўллаш асоратларни камайтиришда ва тикланиш жараёнини тезлаштиришда юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатди. Шунингдек, мазкур ёндашув bemорларнинг психо-эмоционал ҳолатини яхшилаш ва уларнинг турмуш сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу тадқиқот натижалари замонавий амалиётда комплекс ёндашувларнинг зарурлигини таъкидлайди.

**Калит сўзлар:** жинсий аъзолар пролапси, анъанавий гистерэктомия, трансвагинал усул, такомиллаштирилган усул, қин чултоғи пролапси, психо-эмоционал ҳолат.

### **Кириш**

Жинсий аъзолар пролапси (ЖАП) — бу тўқималар ва боғламларнинг сустлашиши туфайли бачадон, қин ва бошқа ички аъзоларнинг нормал анатомик жойлашувидан чиқиши ҳолати бўлиб, аёллар орасида кенг тарқалган муаммолардан бири ҳисобланади. Дунё бўйлаб аёлларнинг тахминан 50% да турли даражадаги пролапс ҳолатлари учрайди, уларнинг 10-20% ига оғир даражадаги шакллар тўғри келади. Бу ҳолат, айниқса, постменопауза давридаги аёлларда ва жисмоний фаоллиги юқори бўлган шахсларда кўп учрайди.

ЖАП ривожланишининг асосий сабаблари жисмоний фаоллик, кўп марта туғиши, ҳомиладорлик пайтида юз берган шикастланишлар ва боғламлар сустлиги билан боғлиқ. Ушбу патология қўпинча сийдик чиқариш тизими бузилишлари, жинсий фаолият муаммолари ва ички аъзоларнинг қон айланишининг бузилиши билан кечади, бу эса беморларнинг турмуш сифатини сезиларли даражада пасайтиради. ЖАПни даволашда хирургик усуллар мухим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг самарадорлиги операция тури, усул ва пациентнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. ЖАПга чалинган беморларда анъанавий абдоминал ва трансвагинал гистерэктомия операциялари жуда кенг тарқалган. Аммо замонавий ёндашувлар жинсий аъзолар анатомик структурасини сақлаб қолишга, шунингдек, тикланиш жараёнини оптималлаштиришга қаратилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, анъанавий усулларда асоратлар ривожланиши хавфи юқори бўлиб, қин чултоғи пролапси каби рецидивлар 29% гача этиши мумкин. Замонавий усулларнинг жорий этилиши эса асоратларни 10-15% гача пасайтириш имконини беради ва тикланиш жараёнини 20-30% га тезлаштиради.

ЖАПга чалинган беморларда операциядан кейинги муаммоларни минималлаштириш учун самарали даволаш усуларини жорий этиш, индивидуал ёндашувни қўллаш ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш лозим. Ушбу тадқиқот ЖАПга чалинган беморларда анъанавий ва такомиллаштирилган усулларнинг самарадорлигини солишиши орқали патологияга нисбатан янада самарали ёндашувларни шакллантиришга қаратилган.

### **Материаллар ва усуллар**

Тадқиқот доирасида жинсий аъзолар пролапси билан мурожаат қилган 98 бемор ўрганилди. Улар икки гурухга бўлинди:

- **Асосий гурух (n=67):** такомиллаштирилган усуллар қўлланилди.
- **Таққослаш гурухи (n=31):** анъанавий абдоминал ва трансвагинал гистерэктомия усуллари қўлланилди.

Тадқиқот мезонлари тўқималар тикланиши, асоратлар ривожланиши, психо-эмоционал ҳолат ва қин чултоғи пролапси рецидивининг мавжудлиги орқали баҳоланди. Барча натижалар аниқ статистик методлар орқали таҳлил қилинди.

### **Натижалар**

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, жинсий аъзолар пролапси билан боғлиқ муаммоларни даволашда анъанавий ва такомиллаштирилган усуллар ўртасидаги самарадорлик сезиларли фарқ қиласди. Асосий гурухда (67 bemor) тикланиш жараёнининг юқори даражада ижобий кечгани қайд этилди. Ушбу гурухда тўқималарнинг тикланиши ва озиқланиши 88,1% ҳолатларда

ижобий натижа берган бўлса, таққослаш гуруҳида (31 бемор) бу кўрсаткич фақат 41,9% ни ташкил этди.

Асосий гуруҳда асоратлар деярли кузатилмаган. Жумладан, культит ва инфильтратлар қайд этилмади. Таққослаш гуруҳида эса бу каби асоратлар 29,3% bemorlarда аниқланди. Бу фарқ хирургик усувларни такомиллаштиришнинг аҳамиятлиигини кўрсатади. Шунингдек, қин чултоғи пролапсининг рецидив ҳолатлари асосий гуруҳда кузатилмаган бўлса, таққослаш гуруҳида 29% bemorlarда рецидив қайд этилди.

Псиҳоэмоционал ҳолат ҳам муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида баҳоланди. Асосий гуруҳда 90% bemorларда яхши ҳолат қайд этилган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 43% ни ташкил этди. Бундай фарқ bemorларнинг жисмоний тикланиши билан бирга уларнинг эмоционал ҳолатига ҳам таъсир қилувчи замонавий усувларнинг устунлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, дренаж ва асоратлар ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Асосий гуруҳда сунъий дренаж самарали бўлиб, асоратлар кузатилмаган. Таққослаш гуруҳида эса 19% bemorларда эксадат пайдо бўлган. Шунингдек, қин чултоғи рецидиви асосий гуруҳда аниқланмаган бўлса, таққослаш гуруҳида 29% ҳолатларда қайд этилди.

Кўрсатгичлар	Гурухлар	Кўрсатгич	Натижа
Тўқималар тикланиши ва озиқланиши	Асосий гурух(б=67)	88,1%	ижобий
	Таққослаш гурухи(б=31)	41,9%	ижобий
Культит, инфильтрат	Асосий гурух(б=67)	-	кузатилмайди
	Таққослаш гурухи(б=31)	29,3%	кузатилди
Писихо-эмоционал ҳолат	Асосий гурух(б=67)	90%	Яхши
	Таққослаш гурухи(б=31)	43%	Яхши
Жавоб бериш	Асосий гурух(б=67)	4-5	
	Таққослаш гурухи(б=31)	7-10	
	Асосий гурух(б=67)	суний дренаж	Асоратсиз

Соҳада дренаж хусусияти	Таққослаш гурухи(б=31)	19%	Эксудат
Кин чўлтоғи рецидиви	Асосий гурух(б=67)	-	
	Таққослаш гурухи(б=31)	29%	кузатилади

Яна бир муҳим кўрсаткич тикланиш жараёни давомида жавоб бериш реакциясининг тезлиги ҳисобланади. Асосий гуруҳда bemорлар 4-5 кун ичида тикланган бўлса, таққослаш гурухида бу жараён 7-10 кунгача чўзилган. Бунинг сабаби сифатида замонавий усусларнинг операциядан кейинги қон айланишини тиклашда юқори самарадорлиги кўрсатилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жинсий аъзолар пролапсида такомиллаштирилган усуслар операциядан кейинги асоратларнинг камайишига, тикланиш жараёнининг тезлашишига ва bemорлар турмуш сифатининг яхшиланишига ҳисса қўшади. Бундай усусларни жорий этиш келажакдаги клиник амалиётда муҳим аҳамият касб этади.

### **Мухокама**

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, такомиллаштирилган усуслар жинсий аъзолар пролапсида қўлланилган операцияларда асоратларни сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради. Бундай ёндашув қин чултоғи пролапси рецидивининг олдини олишда, bemорларнинг жисмоний ва психологик ҳолатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, суний дренаж қўлланилиши тикланиш жараёнини рафбатлантириб, bemорларнинг тезроқ нормал ҳаётга қайтишига ёрдам беради.

### **Хулоса**

Тадқиқот натижалари асосида қўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жинсий аъзолар пролапсини даволашда такомиллаштирилган усусларни кенг қўллаш.
2. Операция жараёнида суний дренаж ва озиқлантирувчи материаллардан фойдаланиш.
3. Беморларнинг психо-эмоционал ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс ёндашувларни жорий этиш.

### **Адабиётлар**

1. Maher, C., Feiner, B., Baessler, K., & Glazener, C. M. (2013). Surgical management of pelvic organ prolapse in women. Cochrane Database of Systematic Reviews.

2. Nygaard, I. E., & Barber, M. D. (2008). Pelvic organ prolapse. *Obstetrics & Gynecology*.
3. DeLancey, J. O. (1992). Structural support of the urethra as it relates to stress urinary incontinence: the hammock hypothesis. *American Journal of Obstetrics and Gynecology*.
4. Altman, D., & Väyrynen, T. (2011). Pelvic organ prolapse: a systematic review. *Acta Obstetricia et Gynecologica Scandinavica*.

